

УДК: 528.3

# АТМОСФЕРАНИНГ ЕРГА ЯҚИН ҚАТЛАМИНИНГ ИККАЛА ХОЛАТИДА ҚИЯЛИК БУРЧАГИНИ НАЗАРИЙ ҚИЙМАТЛАРИНИ ГЕОДЕЗИК ВА МЕТЕОРОЛОГИК ЎЛЧАШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА АНИҚЛАШ

Ш.А.Суюнов - катта ўқитувчи, У.Э.Каримова - талаба  
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти  
И.М.Мусаев - т.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялашириш мұхандислари институти

## Аннотация

Ёруғлик эгриликларини катта масофаларга аппроксимациялашга имкон берувчи формулалардан фойдаланиб, атмосферанинг ерга яқин қатламишинг иккита ҳолатида метеорологик ва геодезик ўлчашлар бўйича қиялик бурчак қийматини аниқлаш усулининг назарий асослари берилган. Атмосферанинг иккита ҳолатида экспедицион шароитида зенитли масофалари ва метеоэлементларни ўлчаш натижаларидан фойдаланиб қиялик бурчагини ҳисоблашнинг ҳақиқий қийматлари келтирилган.

## Abstract

Theoretical bases are given methods for determining the true value tilt angle by meteorological and geodetic measurements at two states ground layer of air using formulas allowing approximate light curve over a long distance. Reducing the calculation of true values angles of inclination from measurements meteorological elements and anti-aircraft distance in expeditionary conditions with two states of the atmosphere.

## Аннотация

Даны теоретические основы определения истинного значения угла наклона по метеорологическим и геодезическим измерениям при двух состояниях приземного слоя воздуха с использованием формул, позволяющих аппроксимировать световые кривые на большие расстояния. Приведены вычисления истинных значений углов наклона по результатам измерений метеорологических элементов и зенитных расстояний в экспедиционных условиях при двух состояниях атмосферы.

**А**тмосферанинг ерга яқин қатламишинг иккала ҳолатида ёруғлик икки нуқтада кесишувчи нурланиш манбанинг жойлашиш ва кузатиш нуқтасида тарқалади. Бу траекторияларни билиб, кесишиш нуқтаси координаталарини аниқлаш мумкин ва бинобарин қиялик бурчагининг назарий аҳамияти ҳам ана шунда [1].

Траекторияни топиш учун ушбу услубни топиб, унга кўра қўйилган масала ечимининг алгоритмини қўидагича тасаввур қилиш мумкин [2].

$$Z_k = Z_{k-1} + Z'_{k-1} \Delta X_k + Z'_{k-1} \frac{\Delta X_k^2}{2} \quad (k=1,2,\dots,n). \quad (1)$$

$$Z'_{k-1} = \pm \sqrt{\frac{n_{k-1}^2}{n_0^2 \cos^2 \alpha_0} - 1}, \quad Z''_{k-1} = \pm \frac{n'_{k-1}}{n_{k-1}} (1 + Z'^2_{k-1}); \quad (2)$$

$$n'_{k-2} = \frac{\beta_\mu}{R} \left[ \frac{P_1(T_0 + t[(P)_0 + p_1 Z_{k-1}])}{(T_0 + t_1 Z_{k-1})^2} \right] \quad (3)$$

$$n_{k-1} = 1 + \frac{\beta_\mu}{R} \left( \frac{P_0 + p_1 Z_{k-1}}{T_0 + t_1 Z_{k-1}} \right) \quad (4)$$

$$t_1 = \frac{T_{h_1} - T_{h_2}}{h_1 - h_2}, \quad p_1 = -g \frac{P_0 \mu}{T_0 R}$$

Бунда  $Z_k$  – ёруғлик эгрилигининг  $k$ - нуқтасининг ординатаси; - шу нуқтанинг абсциссаси;  $P_0$  ва  $Z_0=0$  нуқтадаги босим ва ҳарорат қийматлари;  $T_{h_1}$  ва  $T_{h_2}$  –  $h_1$  ва  $h_2$  иختиёрий танланган баландликлардаги ҳароратнинг ўлчангандай қийматлари, бошлангич нуқтада уларнинг орасидан визир нури ўтвучи траектория;  $g$  – ернинг тортишиш кучининг тезланиши;  $\mu$ - моль массаси;  $R$  – ўзгармас газ;  $\beta$  – нурланниш тўлқин узунлигига боғлиқ коэффициенти;  $\alpha$ - ўлчангандай қиялик бурчаги.


Ўрганилаётган алгоритм тахмин қилиб олинган, синиш кўрсаткичининг горизонтал градиенти нолга тенг ва  $[X_{k-1}, X_k]$  кесмасида ёруғлик эгрилиги участкаси (1) тенглама билан тарифланган.

Шундай қилиб,  $P_0, T_{h_1}, T_{h_2}$  ва  $\alpha$  параметлари тўплами билан аниқланувчи ҳавонинг ерга яқин қатламишинг иккита ҳолати учун асосида бир қатор ва  $Z_{k_2}$  нуқталарини қабул қиласиз, булар икки ёруғлик нури траекторияси, шу билан биргаликда бурчаклар қатори ва  $\alpha_k$  ни яъни-ҳар бир  $Z_k$  нуқтадан олинган қиялик бурчаклари ва ҳоказолар [3]..

$$\operatorname{tg}\alpha_{k_1} = \frac{Z_{k_1}}{X_k}, \quad \operatorname{tg}\alpha_{k_2} = \frac{Z_{k_2}}{X_k}, \quad (5)$$

Бу ёруғлик эгрилигининг кесишиш нуқтаси қиялик бурчакларининг (1-расм), атмосферанинг биринчи ва иккинчи ҳолати учун тўғри келиш шароитидан олинган [1].

Баён этилган услубни синаш учун, қиялик бурчагини бир вақтни ўзида ўлчаш ва темирийўл устидан ўтвучи йўналиш бўйлаб метеорологик элементларни аниқлаш бўйича дала тажриба майдони материаллари қайта ишланди. Кузатишлар Самарқанд вилоятида июль ва август ойларида куннинг ёруғ соатлари давомида бажарилди, жами 130 га яқин кузатиш услуби (приёмлари) натижалари олинди. Бошлангич ва охирги нуқталар ўртасидаги масофа 1011м, қопловчи юза устидаги визир нури баландлиги 30 см ни ташкил этди. Ҳаво ҳарорат психрометр ёрдамида 0,2 м ва 0,5 м баландликда ўлчанди. Психрометр илинган маҷта, асбоб билан бир қаторда, бир хил баландликда жойлаштирилди. Асбоб баландлигига ҳаво босими ўлчанди. Ўлчаш материаллари 0,2 ... 0,5 м баландликлар оралигида ҳароратнинг фарқига кўра 4 та гурухга бўлинди. Би-



1-расм. Қиялик бурчакларини ҳақиқий қийматларини аниқлаш

нобарин, ҳар бир гурухга қиялик бурчаги, хаво ҳарорати, босими, ҳарорат фарқларининг 20 га яқин натижалари киритилди. Мазкур берилганларнинг ўртачаси олинган ва улар қўидаги 1-жадвалда келтирилган:

Шундай қилиб, бу натижалар ҳавонинг ерга яқин қат-

#### 1-жадвал

#### Қиялик бурчаги, хаво ҳарорати, босимининг қийматлари

Гурухлар тартиб раками	Оралиқлар	$t_2$	$T_0$	$P_0$	$\alpha_0$
1	-0,3...-0,0	-0,135	305,91	939,6	510,51
2	0,0...+0,3	+0,198	308,51	936,1	502,59
3	+0,3...+0,6	+0,483	310,47	938,3	507,69
4	7,0...+0,4	+0,557	311,31	42,9	496,22

ламининг тўртта ҳолатига тўғри келади. Улардан фойдаланиб, ёруғлик нурининг 4 та траекториясининг ҳар бири учун нуқтада қиялик бурчаги қийматлари ҳисобланади. Нуқталар орасидаги оралиқ 10 м га teng деб олинди,

#### 2-жадвал

#### Қиялик бурчаклар натижалари

Жуфтлик ҳолати тартиб рақами	1-2	1-3	1-4	2-3	2-4	3-4
Қиялик бурчаклари	517,18	517,30	517,35	516,19	517,00	17,17

эгриларнинг кесишиш интервалида ҳисоблашлар 0,25 м оралиқ билан ўтказилди. Қиялик бурчаклар натижалари қўидаги жадвалда келтирилди [4].:

**Хулоса.** Олинган натижаларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, келтирилган услуб бўйича ҳисобланган қиялик бурчакларининг назарий қийматлари ўтасидаги тафовут 1 секунд атрофида ётади. Шу билан биргалиқда таъқидлаш лозим, барча ҳисоблашлар метеорологик параметрларнинг ўртача қийматлари бўйича ва қиялик бурчагининг ўлчанганди натижалари ёрдамида бажарилди, улар эса ҳавонинг ерга олди қатлами ҳолати моделини анчагина англатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Suyunov A.S., Salahiddinov A.A., Suyunov Sh.A. Analysis of the influence of the atmosphere surface layer on the measurement made by electronic total stations // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol. 4, Issue 1, January 2017.
2. Хижак Л.С., Федорищев А.Е. Определение уравнения световой кривой по результатам геодезических и метеорологических измерений // -В сб.: Геодезия, картография и аэрофотосъемка. Львов. Изд. Вища школа при Львов, ун-те, 1986. Вып. 43. 106-109 С.
3. Вшивкова О.В. О комплексном подходе к решению рефракционной проблемы. Изв. Вузов. Геодезия и аэрофотосъемка.-2005.- № 4. 41-46 С.
4. Суюнов А.С., Суюнов Ш.А.( Монография) О точности геодезических измерений в условиях Республики Узбекистан // Узбекское агентство по печати и информации Типографии ООО «ILM NUR-FAYZ» 2017.155 с.